

84-33
X-12

Ҷабибӣ



ЗАМОН ФАРҲОДЛАРИ


32
x 12



Ҷабибий

71767
МОН
ФАРҲОДЛАР

поэма ва шеърлар



ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти
Тошкент — 1959



МИРЗАЧУЛ КОМСОМОЛЛАРИГА

Дов юрак, меҳнатга полвон комсомол дерлар сени,
'Ўлни қилган боғу бўстон комсомол дерлар сени.

Олға босган ҳар оғир ишларда тоқат кўрсатиб,
Чин баҳодир марди-майдон комсомол дерлар сени.

Мирзачўлни бир гўзал шаҳр айла тан берсин жаҳон,
Бўлгай энди пахтага қон, комсомол дерлар сени.

Ғайратингни кўрсат, оқла комсомоллик номини,
Ҳар не қилсанг бордур имкон, комсомол дерлар сени.

Гул экиб гулшан қилиб, сермева боғ эт яшнатиб,
Ишга моҳир, уста деҳқон комсомол дерлар сени.

Шаҳринг узра нур сочар Фарҳод қуёши эрта-кеч,
Бахтиёр, шавкатли инсон, комсомол дерлар сени.

Ёзди мадҳингни Ҳабибий, топди зийнат сафҳалар,
Бўлди зўр тариху дoston, комсомол дерлар сени.

И Н С О Н Т О П А Р

Ҳар нимаки истаса, инсон топар,
Топгали қасд айласа, имкон топар.

Ташна, ўлик чўлга биров берса сув,
Сув била ҳосилга кирар, жон топар.

Янгилик ижодини ахтарса ким,
Ақлу ҳунар, ғайрату виждон топар.

Меҳнату сув бирла қақр ерга ҳам
Берса озик боғу гулистон топар.

Ишга қадам қўйса маҳорат билан
Халқ ичида ҳурмату унвон топар.

Шаҳру биёбонин кезиб инженер,
Ойишай илми билан кон топар.

Сўзни, Ҳабибий, қилайин қисқача,
Яхши бўлур кимки шараф-шон топар.

МУЪТАБАР

Кимдаки бўлса илму фан дунёда муътабар бўлур,
Қўйса қадам ҳар иш уза ёри унинг зафар бўлур.

Бўлса мукаммал илму фан бўйсунар унга коинот,
Кўкда—ҳавода юксалиб, учгали болу пар бўлур.

Айну фароғат истаса меҳнату орийат керак,
Турмуши умри борича тинчу ширин-шакар бўлур.

Бўлса юракда гайрати, гайратича маҳорати
Шонли замона аҳлидан раҳмат ила назар бўлур.

Шиласа боғу бўстон, турли китобу дoston,
Номин жаҳонда ўчмагай, тарих учун асар бўлур.

Билкини сени ҳар кини тургай иш устида ҳалол,
Билкини бўлиб ҳаминча ёр, номин улуг башар бўлур.

Гўла, Ҳабибий, иш озуқ меҳнату сув экан ҳамон,
Меҳнату суна қонса бас, тупроғи мисли зар бўлур

Ўлкам садафдир, дурдона ёшлар,
Бахту шарафли пешона ёшлар.

Покиза авлод, озода, танноз,
Ақлу адабда фарвона ёшлар.

Илму ҳунарни кўнглига жойлаб,
Қилди иковни ҳамхона ёшлар.

Дўстларга дўсту ёру мададкор,
Бегоналарга бегона ёшлар.

Дилларда меҳри қизлар, йигитлар,
Бир-бирларига парвона ёшлар.

Чанг солса душман озод Ватанга,
Ургай, тўзитгай мардона ёшлар.

Ёздим Ҳабибий рости ҳақиқат,
Бизларда бўлмас афсона, ёшлар.

УЛКАНИНГ БОЙЛИГИ

Оқ олтиним давлатим,
Бахтим, шоним, шавкатим.
Кўрган сари ортади
Дилда завқим, ғайратим.
Оқу қизил шоналар
Кўксида дурдоналар,
Олтин тергай этаклаб
Колхозчи мардоналар.
Меҳнаткашлар бор бўлсин,
Бахту давлат ёр бўлсин,
Меҳнаткашлар ўлкаси
Боғ бўлсин, гулзор бўлсин.
Гулшанимнинг фазоси
Хуш баҳра, соф ҳавоси.
Тонг саҳарда янграйди
Булбулларнинг садоси.
Кенг пахтазор йўлимда,
Ўз эрким ўз қўлимда,
Чаман-чаман очилган
Гуллар ўнгу сўлимда.
Меҳнат куйин куйлайман,
Оқ олтиндан сўйлайман,
Шу гулшанининг қўйнида
Қувнаб, яйраб ўйнайман.

ЁЗЁВОН

Эй ватанпарвар баҳодирлар, саодат кўрсатинг.
Янги ободлик учун қудрат, жасорат кўрсатинг.

Ёзёвон майдонида бошланди ишлар авж олиб,
Зўр беринг мардона, жанговар маҳорат кўрсатинг.

Дўстимиз, ҳамкоримиз рус халқи бор биз бахтиёр,
Қанчалар бор бўлса меҳнатда шарофат, кўрсатинг.

Биз атоқли қаҳрамонмиз, қаҳрамон авлодимиз,
Қаҳрамон халқ ичра бўлса ҳарна одат, кўрсатинг.

Ташна чўлларни ёқимли сув билан қондирдингиз,
Шаҳру қишлоқлар тузинг, минглаб иморат кўрсатинг

Шўра, янтоғ ўрнида унсин оқ олтин, гулласин,
Янги дунё, янги эл, янги вилоят кўрсагинг.

Ибрат олсинки, Ҳабибийдек кўриб бахт истаган,
Тоза виждон, меҳнату бахту саодат кўрсатинг.

1953

М А И Б А Й Р А М И Қ У Ш И Ғ И

Тоғда қулиб лола саросар қизил,
Шаҳр ичига зийнату зевар қизил.
Келди баҳорим қизил алвон билан
Шуъласидан кўкдаги ҳулкар қизил.
Шонли, улуғ байрамимиз устида
Сўзлагали ўртада минбар қизил.
Тўлди қизил байроғу зарҳал шиор,
Бошдан-оёқ бўлди баробар қизил.
Кечалари турли чароғ аксидан
Бўлди чаман саҳни мунаввар қизил
Яйради мактабдаги ёш қиз-ўғил,
Ғунча каби қўйнида дафтар қизил.
Кирди қизил майдонаро саф тузиб
Завқ ила халқим, юзи яксар қизил.

Эй шарафли пахта устози — билимдонлар, яшанг,
 Гуллаган меҳнат билан меҳнаткаш инсонлар, яшанг,
 Қилдингиз қойил на бўлса аҳду паймонлар, яшанг.
 Бу муқаддас мақсад узра топган имконлар, яшанг,
 Ҳорманг энди қон-қариндошу қадрдонлар, яшанг.

Ишни аввал пухталаб ғайрат билан кўкрак кериб,
 Андижон шаънига лойиқ ваъдадан ортиқ бериб,
 Бир чигит ҳам ерда меҳнат ҳосилин қўймай териб,
 Яшнаб эркинлик билан минбарда сўзлаб, қийқириб,
 Юзларин оқ айлаган колхозчи деҳқонлар, яшанг.

Бир-бирига ёр эрур ҳар ишда ҳар бир колхозчи,
 Тупрәғи ҳосилга бой, бардам, гўзал, обод ўзи,
 Халқи ҳам деҳқончиликда моҳиру ўткир кўзи,
 Ваъда берса, ҳар иш узра бўлмаган ёлғон сўзи,
 Қолмади дилларда зарра доғу армонлар, яшанг.

Тер тўкиб ўртоқлашиб, якдил ҳама эркак-аёл,
 Меҳнатим деб роҳатим, ўз вақтида ишлаб ҳалол,
 Юз деган шону шарафли ном ила очган жамол,
 Бу ютуқ бўлгай, Ҳабибий, элга ибратли мисол,
 Мадҳ ётар сизларни кўп тариху дostonлар, яшанг.

Я Н Г И Д У Н Ё Қ И Л Д И Л А Р

Қахрамон эл янги даврон, янги дунё қилдилар,
Ҳар муқаддас дилдаги мақсадни барпо қилдилар.

Кўп замонлар эрди бу ҳурлик тилак жононимиз,
Жилвагар айлаб жаҳонда мажлисаро қилдилар.

Бўлди бу ҳурлик деган давлатда тенг эркак-аёл,
Берди дил кўзгусига сайқал, мусаффо қилдилар.

Маърифат хуршиди озод ўлкамизга сочди нур,
Илми йўқ бир қанча инсонларни доно қилдилар.

Бир неча сув кўрмаган қирлар, адирлар устида,
Ҳар томонга юргизиб сувларни дарё қилдилар.

Ташна чўлларда оқ олтин ундириб обод этиб,
Боғу бўстон, шаҳру қишлоқларни пайдо қилдилар.

Янги давроннинг суриб даврин Ҳабибий, ялла қил,
Сўзла ўз эркингда яйраб, сўзда гўё қилдилар.

(Қасида)

Эй шонли, шарафли қаҳрамонлар,
Ҳурматли Ватанга меҳрибонлар.

Сизлар била бўлди эл мукаррам,
Жанг кунлари жангчиларга ҳамдам.

Еткурди зафарга меҳнатингиз,
Меҳнат била чин муҳаббатингиз.

Сиз бирла қувонди Ўзбекистон,
Яъни бу отоқли пахтага кон.

Ном устига ном олишни кўзланг,
Халқ олдида йилда юзни сўзланг.

Меҳнатда баҳодир диловар,
Зар ҳосил олурда кимёгар,

Бу ҳур Ватаним не хуш Ватандир,
Озода-ю яшнаган чамандир.

Қишлоқу шаҳарда боғу бўстон,
Атрофи—тамомий пахта майдон.

Ҳар шоҳида турли-турли гуллар,
Кўрган сари очилур кўнгиллар.

Феруза каби кўсаклар анча,
Ҳосил берар элга истаганча,

Кулганда чаноқлари очилгай,
Гўёки ер узра нур сочилгай.

Қудратли қуролга қудрат ундан,
Давлатга шукуҳу шавкат ундан.

Сизлар бўлиб ўлкамиз мадори,
Тобора кўпайди эътибори.

Йўл бошлади партиям туну кун,
Ҳар ишда жаҳонда бўлдик устин.

Йўлбошчию соябонимиздир,
Ҳар тўғрида меҳрибонимиздир.

ТИНЧЛИК ЧАҚИРИГИ

Меҳнаткаш халқ дунёда энг азиздир,
Луқма ҳалол, пешона тер лазиздир.

Виждони пок меҳнаткашмиз беадад,
Қурашамиз тинчлик учун тоабад.

Истагимиз доим тинчлик, ободлик,
Иттифоқлик, меҳрибонлик ҳам шодлик.

Тинчлик кутмоқ донишмандлик меваси,
Уруш йиртқич, ваҳший ҳайвон шеваси:

Ҳар ерда жанг мамлакатга вайронлик,
Қон тўкишлик, айрилишлик, сарсонлик.

Урушга ўт очуни ҳар виждонсиз
Куйгай ўзи, яксон бўлгай омонсиз.

Меҳнаткашлар қўриқлайди боғларин
Бағри конга тўлган буюк тоғларин.

Озод элга чанг солганнинг жазоси,
Ер остида тупроқ бўлгай ғизоси.

Миллион-миллион инсон лаънат ўқийди,
Минглаб катта лаънатнома тўқийди.

Ким ҳовлиқиб тўғри йўлдан озибдир,
Албатта у ўзига гўр қазибдир.

Бунга катта ибрат фашистлар жангги,
Кўкка чиқди гитлерчиларнинг чангги.

Батан учун фидокормиз, тайёرمىз.
Улуғ оға руслар билан ҳамкормиз.

Жанговармиз, тажрибакор, вафодор,
Кўкимизда сонсиз қудратли шунқор.

Парпирайда донг чиқарган байроғим,
Асли маҳкам юксак суянган тоғим.

ХУШЁР-ЁР

Бормикин оламда сендек дилкашу хушёр-ёр
Риштаи жон зулфинг ичра бўлгали хуштор-тор.

Сайр этиб кирсанг дамо-дам раста-раста гулларин
Йўл уза баргин поёндоз этгали гулзор-зор.

Дилда меҳру иштиёқинг, тилда номинг тоабал,
Тинмай ахтармоқ сўроқлаб мен учун даркор-кор.

Қатраи завқи муҳаббат шарбатидан нўш этиб,
Телмуриб ҳайратда қолдим суратий девор-вор.

Интизорингман, кўзим нури тўкилмасдин бурун
Раҳм этиб кулбамга йўқлаб лоақал бир бор-бор.

Ишқ ҳукмин ҳардам ижро айласанг лутфинг била
Мен учун қилғил қаро сочингни эй дилдор-дор.

Арзи ҳолимни Ҳабибий ёздим ашъорим билан,
Қилма ноз айлаб қўлингга текса бу ашъор-ор.

ҚАҲРАМОНЛАРГА САЛОМ

Салом эй қаҳрамонлар, иш бажарган ишчи, деҳқонлар
Ватанга меҳрибон, содиқ, азиз меҳнаткаш инсонлар.

Жасорат бирла мушкулларни бир-бир қилдингиз осон,
Топилди ҳарна истак бўлса мўл ҳосилга имконлар.

Кириб ҳосилга чўллар сув ичиб зар бўлди тупроғи,
Оқ олтин кони бўлди ташналаб ётган биёбонлар.

Ҳамиша улфатингиз ғайрату меҳнат бўлиб йўлдош
Баҳо бўлмоқда озод элга берган аҳду паймонлар.

Терим чоғларда айниқса маҳоратли чевар қизлар,
Ажойиб қилдингиз кенг пахта мийдонларда жавлонлар

Шарофатли ҳалол меҳнатдаги ҳикмат аён бўлди,
Мукофот этди шонли Партия орденлар, унвонлар.

Муборак меҳнатингиз мадҳига булбул бўлиб сайраб,
Муҳаббат бозидан куйлар Ҳабибийдек ғазалхонлар.]

1947 йил.

Я Н Г И Т Е М И Р Й Ё Л

Янги даврон аҳли сонсиз қилди пайдо янги йўл,
Қаҳрамонлар бирла бўлди дашту саҳро янги йўл.
Илм ила бўлди ҳаво ҳам катта дарё янги йўл,
Бўлмагай ранжу машаққаг, роҳат афзо янги йўл.
Етмагай мақсадга ҳеч ким тузмаса то янги йўл.

Янги йўлнинг раҳнамоси Партия устозимиз,
Ақлу донишда ягона мисли йўқ мумтозимиз,
Партия ҳар бир сўзин қилгай тараннум созимиз,
Яллалар қилганда кўкка чирмашур овозимиз,
Илму урфон келтирур бизга саропо янги йўл.

Чоржўйдан тузди бу йўлга план то Қўнғирот,
Юрди шавкат бирла саф-саф карвон то Қўнғирот.
Ҳар бири иш узра Фарҳоди замон то Қўнғирот,
Тарҳ этиб ҳар ерга қасру ошиён то Қўнғирот.
Бўлди ҳал, кўп асрлар эрди муаммо янги йўл.

Бу темир йўллар муҳаббат риштасидир эларо,
Бир-бирига боғланур барча севишган ошино,
Янги йўл, янги усуллар келди айни муддао,
Аҳли ҳикматлар узоқлик дардига топди даво,
Ҳар бекатда янги манзил, янги маъво янги йўл.

Қорақалпоқ, туркман, ўзбеклар бўлиб бир-бирга ёр,
Бўлди рус халқи бу ишлар устида ёру мадор,
Топди осонлик, ҳама мушкулни айлаб тор-мор,
Бу шарафли бахт ила қилдим Ҳабибий ифтихор,
Ҳарнаким бўлса тилак қилгай муҳайё янги йўл.

1947 йил.

СИРДОШИМ МЕНИНГ

Айтайин хурсандлигимни сенга, йўлдошим менинг,
Келди бахтим, кўкка етди энди бу бошим менинг.

Жонажоним Партиям қўлтиқлади, йўл бошлади,
Меҳрибоним, раҳбарим ғамхўру қўлдошим менинг.

Офтобим нур сочар порлаб Кремль авжида,
Шаҳду шаккардан ширинроқ бўлди — талх ошим менинг.

Соябоним, маслаҳатдоним, қанотим, қудратим,
Ҳарқаю мажлисдаги кенгоши кенгашим менинг.

Зўр тилак халқим учун — бўлсин ватан тинчу омон,
Оқибат еткурди бу давлатга бардошим менинг.

Яшнадим, ўсдим, Ҳабибий, ишладим суръат билан,
Олган илҳомим ёмон кўзга отар тошим менинг.

1949 йи л.

Ж О Н И М К Е Л И Б

Вўнглим ором олди, ғамлар кетди жононим келиб,
Қайси жонондирки гўё жисм аро жоним келиб.

Вўнган ойдек юзларидан нур олиб ҳардам кўзим,
Вўннадим, ҳар бир темирда ўйнади қоним келиб.

Вўкка бошим етди фахр айлаб, кўнгил тоғдек ўсиб,
Вўқлаб аҳволим сўраб, шавкатли меҳмоним келиб.

Вўлди қизғин суҳбат, айланди қадаҳлар тўхтамай,
Вўли қилди саз олиб қўлга газалхоним келиб.

Вўду хуррамлик қуёши бошим узра сочди нур,
Вўқим ошди севгили ёрим, қадрдоним келиб.

Вўлда ётган шубҳали мушкул, муаммо бўлди ҳал,
Вўли вафо йўлига кирган мушкул осоним келиб.

Вўрқотай меҳрин десам тобора меҳрим ортадур,
Вўли ҳар доим Ҳабибий, аҳду паймоним келиб.

БОҒ ИСТАР

Ҳар лаҳза мешинг кўнглим ёр истару боғ истар,
Ёр илгида боғ ичра май тўлган аёғ¹ истар.

Билмам на таманнодур фикри била шод бўлмас,
Ҳар кеча тонг отгунча рухсору чароғ истар.

Йўл узра висол истаб қоқмай мижа кўз туткай,
Сайд этгали сайдининг андоғки тузоғ истар.

Ноз этмади таннозим, бир боқди сўраб ҳолим,
Бу расм ила одатдир, носоғини соғ истар.

Тонг чоғи сабо юрса атрин сочиб оламга,
Мушкин сочидан бир бўй олмоқни димоғ истар.

Мажнун каби овора Лайлисининг ишқида,
Гаҳ шаҳру, гаҳи қишлоқ, гаҳ дашт ила тоғ истар.

Ошифта Ҳабибийни ўз ҳолига қўймайдур,
На бир дам олур ором, на лаҳза фароғ истар.

¹ Қадаҳ.

МУНЧА СОЗ

Мунча латифу мунча соз лола узорини кўринг.
Лола узори қирмизи фасли баҳорини кўринг.

Фасли баҳори ям-яшил жомаи сабза ранг кийиб,
Жомаи сабза ранг била кўзи хуморини кўринг.

Кўзи хумору ғамзалик, оғзида шўх таронаси,
Оғзида шўх таронаю қўлда дуторини кўринг.

Қўлда дутору яллasi юрса чаманда сайр этиб.
Юрса чаманда сайр этиб лайлу наҳорини кўринг.

Лайлу наҳори ўзгача, қошида тургай ойу кун,
Қошида тургай ойу кун ҳамдаму ёрини кўринг.

Ҳамдаму ёридан нахуш зийнату нуру ҳусн олур,
Зийнату нур олур ажаб расму шиорини кўринг.

Расму шиори истаги ошиқи содиқу ҳалол,
Ошиқи содиқ ўлмаса, номусу орини кўринг.

УЧ СУЗ, БИР МАЪНО

Гўзал бир меҳрибон маҳбубу маъшуқу, нигорим бор
Ғам эрмас қоҳишу андуҳу қайғу ғамгузорим бор.

Фалакдан, осмондан, кўкдан ошгай фахр этиб бошим
Садоқатли, қадрдон, ошною дўсту ёрим бор.

Билимлик ҳамнишуну мунису улфатларим бирла
Буюк, озода, олий кишвару шаҳру диёрим бор.

Жаҳонда, дунёда, оламда мен ёлғиз эмас дўстлар,
Жигарбанду қариндошу яқин хешу таборим бор.

Нигор ишқида чексам кулфату жабру жафо майли,
Кўрарман қувватим бору, кучим бору, мадорим бор.

Кел э соқи, бу кеча коса паймона қадаҳ тўлдир,
Ҳабибий сипқарай мен, одагу расму шиорим бор.

КЎНГИЛ ҚУВОНЧИ

Кел, эй кўнгилнинг азизи, кўп этма истиғно,
Ие деб ўзинга мени аввал айладинг ошно.

Дилим чароғи, кўзим нури, тан мадорисан,
Азиз бошинг ҳақи бир лаҳза бўлма бепарво.

Қаро кўзингга кўзим тушмаса ёмон ҳолим
Фироқинг ўтига йўқ сабру тоқатим асло.

Замону асрим аро эй ягона фарзона,
Жаҳонда борму киши сен каби гўзал зебо.

Кулиб кўзинг қирида илтифот этар чоғда
Қиё-қиё боқишинг кимни қилмагай шайдо.

Чаманда кўкка боқиб қолди бир кўриб наргис,
Бўлурму дунёда кўзлар кўзинг каби шаҳло.

Чин эътиқотим ила софу тоза меҳрингни
Ҳабибий, сафҳан сийнамда айладим иншо.

1941 йил.

РАҚҚОСА ҚИЗЛАР

Саҳнаи санъат тўлиб раққоса қизлар ўйнади.
Ёки билмам осмон саҳнида ҳулкар ўйнади.

Рангба-ранг пардоз ила лаб тишлашиб, қўл ушлашиб
Қолдириб оламни ҳайратда бўлиб пар ўйнади.

Бир-бирига қадду қоматда муносиб ҳар бири,
Гоҳи ўйнаб якка-якка, гоҳ баробар ўйнади.

Бирлари айниқса майдони ўйинда парпираб,
Қанча юлдуз ичра гўё моҳи анвар ўйнади.

Офариндан ўзга бир сўз ҳам дейолмай қолди эл,
Кўрсатиб нозик ҳунар айланди лобар, ўйнади.

Эй Ҳабибий, ҳар томонга ташлаганда силкиниб,
Оқ томоқ бирла қулоқда гавҳару зар ўйнади.

1944 йил.

ЖОНОН КҰРИНДИ

Чаманда бир гўзал жонон кўринди,
Юзи гул-гул ёниб алвон кўринди.
Қаро сочи қаро райхон кўринди,
Лаби гулгунчадек хандон кўринди,
Вужудимни олиб ўт, жон кўринди.

Қуёшдек барқ уриб чиқса нигорим,
Боқолмасман кетиб, ақл, ихтиёрим,
Агар бир кўрмасам йўқдир қарорим,
Ўзи ҳал этмаса шафқатшиорим,
Бу мушкулга ҳама ҳайрон кўринди.

Гаҳи боқсам тўлин ойдек юзига,
Гаҳи шўх ўйноқи шаҳло кўзига,
Қулоқ солсам гаҳи ширин сўзига,
Қолурман термулиб, ўйлаб ўзига,
Ажойиб нодири даврон кўринди.

Азизим, дилбарим шўхи замона,
Қўлига соз олиб қилса тарона,
Ёнида жўр этиб айлаб баҳона,
Ҳабибий, куйласам мен ошиқона,
Ётишмоқ васлига имкон кўринди.

КЎРСАТМАСИ

Ёрим ағёримга лутф айлаб карам кўрсатмасин,
Ўзгага лутфу карам, бизга алам кўрсатмасин.

Ваъда қилди васл учун ғам тортаман келмас ҳану
Бузмасин ўз ваъдасин, ғам узра ғам кўрсатмасин.

Иштиёқинг ҳаддин ошди кеча-кундуз кўз тутиб,
Келса келсин, мунтазир дийдамда нам кўрсатмасин.

Камситиб мендек самимий дўстини эл қошида.
Шум рақиблар сари ташрифий қадам кўрсатмасин

Боқсалар ҳар бир муҳаббат завқидан бебаҳралар,
Юз очиб, гул-гул ёниб боғи эрам кўрсатмасин.

Йўл очилди васл гулзорига бахтим бўлди ёр,
Мен учун бу қутлуғ дамдан бошқа дам кўрсатмас

Ташналаб эрдим Ҳабибий, тўймайин дийдорига,
Басдир энди илтифотин бизга кам кўрсатмасин

У Л Т У Р У Р

О дил ором ол букун, қошингда дилдор ўлтурур,
Ҳар томонга боқма, ўйнаб кўзларин ёр ўлтурур.

Меҳрибон, содиқ, ширин сўз дилкашу андешалик,
Дилдаги покиза ишқингдан хабардор ўлтурур.

Бахту иқболинг қуёши чеҳра очди, сочди нур,
Гўллатиб суҳбатни, яшнаб лола руҳсор ўлтирур.

Энг шарафли фазл эрур инсонга деб аҳду вафо
Ҳар нафас меҳру муҳаббат айлаб изҳор ўлтирур.

Силқиб ўзни, чиқмагил зинҳор адаб қонунидан,
Ким улуглар олдида ўлтирса ҳушёр ўлтирур.

Фазр эғиб ҳар қанча шукр этсанг, Ҳабибий, шунча оз,
„Дайи Мажнундан“ ўқиб оҳиста ашъор ўлтирур.

ГУЛШАН ҚИЛИНГ

Жонга лаззатли озиқ гулшан қилинг,
Ундириб гул, лолазор, хирмон қилинг,
Гулга гуллардан уланг пайванд этиб,
Ўстиринг бир жон ила бир тан қилинг.

Эй, севикли жоним ўғлим, қизларим,
Қалби софу юзлари қирмизларим,
Сиз менинг порлоқ, ёруғ юлдузларим,
Тўлдириг гулхонани, гулхан қилинг,

Рангба-ранг гул кўрсатинг қойил қилиб,
Гуллатинг меҳнатда олға интилиб,
Гулчилар сиздан сабоқ олсин келиб,
Гулчиликда янги-янги фан қилинг.

Сизга бу тухфам гулим, ўз меҳнатим,
Гулшану гул айни бахту давлатим,
Қилди равшан кўзни гул ҳам улфатим,
Кўзни мендек гул билан равшан қилинг.

Шеъринат майдонига қўйдим қадам мардона ман,
 Насиҳат иқболу зафарга ҳамдаму ҳамхонаман,
 Чинқариб эрку саодат бодасидан қонаман,
 Кулфату ранжу алам ташвишидан бегонаман,
 Гулшанимнинг ишқида булбул каби парвонаман.

Чекди кўп захмат Муқимий, Фурқатий бечоралар,
 Қора қилди бахтининг бир неча бағри қоралар,
 Умри умри дарбаларликда юриб оворалар,
 Рин ханон бўлди юрак бағри бўлиб юз поралар,
 Бўлмадим юз шукр тухматлар билан афсонаман.

Рин эдим, назм аҳлининг қалбида қад-қад доғ эди,
 Гул каби гулшанга зийнат берса ҳам янтоғ эди.
 Намагар булбул хурофот олдида бир зог эди,
 Жодилистон эрди, тавҳарлар — қаро тупроқ эди,
 Ёрди сайқал заргарим, бўлдим зару дурдонаман.

Қай кун чикди адолат бирла байроғу шиор,
 Чекди зулмоти ҳасад, бўлди ҳақиқат ошкор.
 Олди халқ эркин нафас, дил беғубору бахтиёр,
 Ўлди очилди ишладим топдим шарафли эътибор,
 Минглатим ўзбек, Ҳабибий, мардуми Фарғонаман.

Э С Л А Т М А

Оқ олтинга тўлган дала,
Тайёргарлик хом-хатала,
Кузни, юзни чоғламасак,
Ишлар бўлур ланж, атала.

Баъзи жойлар сув тошкан — кўл,
Баъзи жойлар қупқуруқ чўл,
Сувчи йигит, кўзни очинг,
Шона ташлаб тўкмасин гул.

Чеканкалар якка-дука,
Ғовлаб ғўза, боқар кўкка,
Шу зайлда ошиқ отсак
Бўлмас олчи, бўлгай пукка.

Кўприк бузуқ, йўллар чатоқ.
Машинани қилгай шалоқ.
Ғам емайди ран акам,
Салқин жойда кайфи тарақ.

Аробалар айғизи йўқ,
Тоб ташлаган тегарчиқ, ўқ.
Жон куйдириб аравакаш
Кимга айтса, жавоби—дўқ.

Йиғим-терим вақти яқин
Қову этак ҳали хуржун.
Омборчимиз гап сотади,
Қилиб лофу ёлғонни чин.

БАЪЗИ ОДАМ

Баъзи бир одам иш узра аҳд ила паймон этар,
Лекин ўз аҳдида турмас, ваъдасин ёлгон этар

Кибр ила мансабга мағруру керилгай бе ибо,
Лоф уриб, ҳар мушкул ишни оғзида осон этар.

Қўйнимизни тўлдиран ҳар қарра пуч ёнғоқ ила,
Бизни бундай феълу, хулқу, одати ҳайрон этар.

Эрта, индин дер, бугунги ваъдага борсанг агар,
Ҳафталаб, ойлаб югиртирмоқда саргардон этар.

Тўғри сўзлик баъзилар қурбони бўлсанг арзигай,
Ҳарна дардинг бўлса кескин сўз билан дармон этар.

Бузгай инсоннинг мижозин пишмаган ҳар бир тў,
Пишмаган савдога кўз тутмоқ юракни қон этар.

Эй, Ҳабибий, кутма ким мансабпараст эрса — вафо
Гар пиёда бўлса фарзин чап бериб, жавлон этар.

И Ш Л А М А С А Н Г

Ишламоқ борму ҳалол ош ила нон, ишламасанг,
Ила кенг, тор бўладур сенга жаҳон ишламасанг.

Ишла эл нафъи учун шону шараф истар эсанг,
Бўлмагай ҳурмат ила аҳли замон, ишламасанг.

Ўқидилар меҳнат этиб кўплар улуғ шону нишон,
Бўлмагай сенда улуғ ному нишон ишламасанг.

Меҳнатинг бўлмаса йўқ фазлу камол, айшу ҳузур,
Ўрмушинг бўлғуси тобора ёмон, ишламасанг.

Ўйда иордонгина бир дакки егай оиладан,
Қайнамас ҳафтада ҳам уйда қозон ишламасанг.

Кўрмадим дангасада бахту саодатдан асар,
Ўнмоғинг бахту саодатни гумон, ишламасанг.

Уйлагани, рангинг ўчиб юрма сўриб тиш кирини,
Ишлаганга уйга бирор халтада дон, ишламасанг.

Ўбрат ол кўзни очиб, ишласа ким бўлди азиз,
Кўрқаман чеккай азоб охири жон, ишламасанг.

Ўн ҳабибий, ҳаракат бирла келур ҳар баракат,
Ўнбат халқ ичида бўлгай аён ишламасанг.

Я Х Ш И

Гул чехра гўзаллардан чин аҳду вафо яхши.
Ишқ аҳли вафо узра жон қилса фидо яхши.

Эғнида ипак бахмал кўк жомаю юз лела,
Юрганда хиром айлаб кенг саҳну фазо яхши.

Сўз очса муҳаббатдан оҳиста кулиб, тўхтаб,
Ўйнаб, сочини ушлаб турганда ҳаё яхши.

Гулшанда саҳар чоғи гул шоҳида булбуллар
Қилганда ғазалхонлик шўх савту садо яхши.

Чолғусин олиб қўлга машқ айласа таннозим
Жонларга озиқ бўлгай „Гулёру“ „Наво“ яхши.

Кўнглимдаги мақсадни арз этгали ёримга
Ғаф сайри чаман яхши, гоҳ кайфу сафо яхши.

Ёр васлин умидида ашъор ила мадҳ айлаб,
Куйловчи Ҳабибийга хушбахра ҳаво яхши.

1951 йил

У Ш Ш О К

Кўлиб кўзинг қирини ташладинг, вафо кўрдим,
Шпорат этди қошинг қайрилиб, имо кўрдим.
Муҳаббатингни сезиб айни муддао кўрдим,
Дилнингни ишқ элига холис ошно кўрдим,
Кўнгилни оразинг акси билан зиё кўрдим.

Замона хўбларидан келдинг, э, маҳим мумтоз,
Ғамоми бошдин оёғинг камоли ғамзаю ноз.
Тароват узра тароват бўлиб нахуш пардоз,
Тилингда ялла ширин жўр этиб қўлингдаги соз,
„Наёту“ „роҳату“ „ушшоқ“ ила „наво“ кўрдим.

Бу кеча суҳбат элин суҳбатингга вола қилиб,
Шароби ноб ичиб, аввал юзингни лола қилиб,
Уч илгинг ила тутиб лоладан пиёла қилиб
Бир икки косада маст айладинг ҳавола қилиб.
На де ам арзим эшит, маст ўзим раво кўрдим.

Қачонки гулшани васлингга айладинг маҳрам,
Ҳабибийнинг шарафидур бу илтифоту карам.
Юракда қолмай асар кетди барча қоҳишу ғам
Синиқ дилимга ширин сўзларинг бўлиб малҳам
Наб остида қора холишгни мумиё кўрдим.

К Е Л Д И

Маҳвашим сайри чаман қилди, саломат келди,
Мен учун айни шараф, айни саодат келди.

Кечалар фикру хаёли била уйқу йўқ эди,
Шукрим телба кўнгил тинди-ю роҳат келди.

Талх эди оғзиму лаззат йўқ эди ошимда,
Оби ёвғон эса ҳам энди ҳаловат келди.

Қутлуғ кулбамга букун етди муборак қадами,
Изтироб олди вужудимни, ҳарорат келди.

Рашк этиб ҳасрат ила қолди рақиблар ҳайрон,
Шону шавкат била бир келди, аломат келди.

Оташин юз уза дурдона каби тер бирла,
Лабда кулгиси-ю мастона хижолат келди.

Рўбарўсида туриб ерга Ҳабибий боқдим,
Кетди қалбимдаги сўз, ўзгача ҳолат келди.





1029

ДОСТУП



Кел эй, ёрим, мадакорим қалам — сен,
Ҳар иш қилганда ҳамкорим қалам—сен.

Ҳамиша мен билан ёнимда йўлдош,
Бўлиб келдинг ҳамиша ишда қўлдош.

Яна мен Мирзачўлдан бошладим иш,
Курашмоқ чўл билан бу — катта ташвиш.

Мадад бер, не десам қилгил қаламлик,
Қўйиб армонда то қилма аламлик,

Иродамга йўл очмоқда метин бўл,
Гулистон тархин этмоқда четин бўл.

Шу сахро саҳнида бир боғ тузарман,
Даранда уйларин қўймай бузарман.

На ҳосил бўлса асли тухми меҳнат,
Долимга тўлди меҳнатга муҳаббат,

Шўр остида тўзал бир янги олам,
Гулистонда жонивагар бўлди мужассам.

Шамол қаттиқ гувиллаб қору бўрон,
Қуюн кезмоқда гир-гир чангу тўзон.

Гувиллаб зарб ила кўкракка, кўзга
Урар, йўқ чора энкаймоқдан ўзга.

Ва ёким қўзғалибдир чўлда тўфон,
Туман, зулмату қўрқинчли биёбон.

Совуқ ел чирқираб, ҳайбатли саҳро
Оч аждардек ютар, овози бежо.

Тупургинг ерга тушмас туф деганда,
Ёпишгай лабларинг ҳам уф деганда.

Бўлур муз — чайнасанг оғзиндаги ош,
Эритмас, оҳ десанг, балким, бўлур тош.

Неча муз қўнғироқ отлар думида
Юролмас шуру тупроғу, қумида.

У ёнда — Волгада душманни урмак,
Бу ёнда Мирзачўлга Сирни сурмак.

Нечоғлиқ бу курашлар бўлса душвор
Бажаргаймиз зафар бизлар билан ёр.

Кучайган чоғ эди даҳшатли зўр жанг,
Ғоҳи куч кўрсатиб ёв, гоҳи найранг.

Ватанга чанг солиб йиртқич даранда,
Учар гўёки ўқ тўп-тўп паранда.

Йигитлар жон олиб гоҳи бериб жон,
Уруш қилмоқда тинмасдан, кечиб қон.

Келибдир Волга узра қонхўр итлар,
Жаҳонда энг разил ифлос, палидлар.

Тушу кун Волгада хеч тўхтамай жанг,
Бўлиб дарёда сув қон бирла ҳамранг.
Қилич, қон, найза қон, кўз қон, бадан ҳам,
Шаҳид бўлганга қон гўру кафан ҳам.
Кириб майдонда жавлон қилди эрлар,
Эзиб душманни ҳайқирмоқда шерлар.
Бериб ўмганни ерга гоҳ эмаклаб.
Тикиб кўз, ун чиқармай, лабни тишлаб,
Уриб ҳар ўқда бир босқинчи ёвни,
Печук ёв—жони бир ўққа гаровни,
Ураб урмоқда ердан ҳам ҳаводан,
Қутулсин деб жаҳон бундай балодан,
Пачақлайди қириб шўришли ёвни,
Жаҳонга ўт қўювчи бир оловни.
Якин фурсатда ёв шарманда бўлгай,
Палид жисми титилгай, ганда бўлгай.
Қасос олмоқда шерлар қон учун қон,
Қасосин олмагунча чиқмас армон.
У ерда қаҳрамонлар, қайнаган жанг,
Тутиб осмонни тўплар зарбидан чанг.
Оғирдан ҳам оғир эрди шароит
Ва лекин халқимиз турмайди жимжит.
Юрак пайванди ўғлонлар у ерда,
Қуруқ тан бундаю, жонлар у ерда.
Ўғуз ёв ўтмасин деб Волгадан ҳам,
Уриб, жилдирмайин, қилмоқда барҳам.
Урушга не керакдур бор этишга,
Мўлу кўл етказиб тайёр этишга
Кўринди Мирзачўл ҳосил учун бой!
На лекин оқса тинмай Сир каби сой.
Бўлиб Сирин бўғиш элнинг қарорн,
Кўннлларга тўлиб номусу ори.
Малд бермоқ учун ғайратга миндик,
Ситиб келдик шу Сир узра чақиндек.
Бўлуриш биз бақувват орқадешлар,

Қирар албатта ёвни жангчи ёшлар.
Фалокатлардан олам тоза бўлгай.
Совет халқин иши овоза бўлгай.
Олур бизлардан ибрат аҳли одам,
Баҳодирларни олқишлайди олам.

Сирга юриш

Халойиқ жангчилар устида ғам еб,
Қурол, қудрат, мадад, қўлдош керак деб,
Ҳамият, ориятдан қайнади қон,
Деди, гайрат билан—бизлар ҳам инсон.
Не чоғлиқ бўлса биздан совға ёрдам,
Шу чоғлиқ жангда бўлгай марду бардам.
Баробар қўзғалиб юзланди Сирга,
Деманг Сир, аждаҳодек бир гажирга.
Курашмоққа ўжар дарё билан эл
Ғазаблик чиқди бирдан, боғлади бел.
Юриш қилди қалин карвону селдек,
Дам олмай тезлади Сир узра елдик.
Хотин-қизлар чиқиб, ёрдамчи биз деб,
Борурмиз бирга-бирга изма-из деб.
Ташаббус Мирзачўлни гуллатишга,
Бутун гул шохини булбуллатишга,
Етиб Сир устида тўпланди мардум,
Улуғ иш бошламакка бўлди гавжум.
Халойиқ ҳар томондан тўда-тўда,
Келур, фикру хаёли чўлда, сувда,
Самарқанду Бухоро, Андижондан,
Наманган, Хоразм, Ўш, Марғилондан,
Қўқон, Тошкент эли, кўп шаҳру қишлоқ
Келиб минглаб қўшилди, бўлди ўртоқ.
Хусусан Москва, ленинградлик,
Мадад бермоқ учун тун-кун шу элдек,
Қозоқ, қирғиз, тожик ҳам қорақалпоқ,

Биродар қон-қариндош қўшни ўртоқ,
Ёниб келди, штаб олдида турди,
Штаб ҳар тўдани ҳар ёнга бурди.
Ётоқлар белгилаб, меҳмонларим, деб,
Отам, синглим, укам, полвонларим, деб.
Отам, деб, қонли жангни Зумрад ўйлаб
Кўзи жиқ ёшу ёш қиз гоҳи сўйлаб.
Қаро хат олган эрди, уйда йиғлаб,
Алам дилда, ғазаб ҳар дам қитиқлаб
Штаб олдида турган эрди Зумрад,
Халойиқ ҳар томондан келди рад-рад.
Ҳаёлига тушиб Фарҳоду Ширин,
Деди: — афсоналар энди бўлур чин.
Йигит-қизлар бари таннозу, кўркам,
Булар Фарҳоду Шириндан эмас кам.
Тушиб Фарҳоду Ширинлик дилига,
Ололмай турди ҳеч кимни тилига.
Назар айлаб ҳама келганга бир-бир
Кўнгилда янги тушган орзу сир.
Ўзин Ширин деса Фарҳод излар,
Баҳодир қаҳрамон авлод излар.
Гўзал, гул юзли Зумрад бегободлик
Юзида мавж урар ҳар лаҳза шодлик.
Ёши ўн саккиз, ўн тўққизга тўлган,
Ҳаёти илму меҳнат бирла бўлган.
Очиқ чехра, етук, чаққону ҳушёр,
Адаб, ахлоқ, ила меҳнатда илғор.

Кўринди бир йигит фарғоналикдан,
Юракка тушти бир ўт, бўлди гулхан.
Йигитнинг ҳам кўзи якбора тушди,
Баҳона топти, гап ташлаб кўришди,
Қизарди боқти Зумрад бир кулимсиб,
Ҳаёдан кўзни олди юзни артиб.
Ҳаёлига тушиб Фарҳоду Ширин

Жаҳонни ҳийлагарга тор этармиз.
Ҳақиқатга кўчар билган фасонам,
Ҳақиқатпарварим янги замонам.
Бериб Фарҳодларим деб қўлни-қўлга,
Штабимсан, штоб эт, йўлла йўлга.
Бобо — Фарҳод — деганда ўзни Одил
Буриб Зумрадга боқти, бўлди қойил,
Кўриб Зумрад табассум қилди, кулди,
Кўзин ерга тикиб андак букилди.
Штаб аввал элим деб қилди таъзим,
Канални қилдик областларга тақсим.
Баҳодир ишда қайрилмас темирлар,
Берур сизларга ишни инженерлар.
Қазайлик ертўла аввал ётоққа,
Деди — сўнг ишга ҳар ким ҳар қаёққа.
Қазилди ертўла бир қанча юзлаб,
Эшитганлар яна келмоқда кўзлаб.
Ер остида шаҳар бунёд бўлди,
Муқаррар энди чўл обод бўлди.
Шаҳар — деб — Зумрад Одилжонга боқди
Бу маъноли қараш Одилга ёқди.
Тўзан бирла келур тун изғирин ел,
Ер узра ел юрар, ер остида эл.
Шигирлаб йўрғалайди майда тошлар,
Тўлиб дув-дув тўкилгай кўзда ёшлар.
Липиллаб йилтираб лампа чироқлар,
Гаҳи ёнса, гаҳи бўлмайди ёғлар,
Одамнинг қонидир бир қатрача сув,
Турар ҳар каллада сув узра қайғу.
Чироқ келтирди Одил чол қошига,
Ўзи ўлтирди чолнинг ёнбошига.
Юрак дукиллаган Зумрадни ўйлаб,
Бобога ошиқона куйни куйлаб.
Штаб олдида бир афсонадан сўз,
Дедингиз, бир эшитсак, дер, тикиб кўз.

Шу сўз устида бирдан кирди Зумрад,
Булар меҳмон деди, қилманг сўзин рад.
Келиб юзлаб йигитлар қаҳрамонлар,
Йигитлар бирла тенг қизлар, жувонлар.
Ураб атрофини, зўр давра олди,
Уринсиз барча шов-шувлар йўқолди.
Билимдонларга сўз майдонидир бу,
Томошабинга ибрат конидир бу.
Кириб Рустам бобо бошлаб фасона,
Қилиб майдонда жавлон рустамона,
Бобо ибратнамо афсона бошлаб,
Сўзи қиммат баҳо дурдона бошлаб;
Деди: „бир бор экан, аммо йўқ эркан,
Яна бир оч экан, аммо тўқ эркан,
Ажойиб воқиа ўтмиш замонда,
Ёзилмишдур китобу, дostonда

*Рустам бобонинг
биринчи ҳикояси*

Улуғ бир шоҳ ўғибдир, бу фасона,
Маҳинбону гўзалликда ягона.
Маҳинбону хотин у подшоҳга,
Гумон йўқ ўртада бўлган вафога.
Қазоси етди бир кун шоҳ ўлди,
Гадодир, шохдир ўлди-кўмилди.
Туриб тахт узра топган ҳарна бахти,
Хотинга қолди мулку тожу тахти.
Улуғ шавкатли шоҳдан қолди бир қиз,
Қаро кўз, оташин юз, худди юлдуз.
Бўлолмас ўзга қизлар унга тенгдош,
Ярашган қайрилиб каклик каби қош.
Кумушдек оқ билак, ширмой каби юз,
Майинликда ўрилган сочи қундуз.
Ёқимли хулқи ширин, номи Ширин,
Бўлур Ширин деса ким, коми ширин.

Бу гавҳар қай садаф кўксида бутмиш
Баҳоси ўзга гавҳарлардан ўтмиш.
Қуёш кундуз бошида соябондир,
Тун, оқшом айланиб ой посбондир,
Адиба, оқила, озода, маҳваш
Дилором, дилкушо, дилдору, дилкаш.
Туну кун хизматин кутган канизлар.
Четин, ҳушёр, чевар, гул чеҳра қизлар.
Равоқ устида ўлтирса мунаввар,
Тўлин ойдир, канизлар бўлса ҳулкар.
Ўсиб-улғайди — етди воясига,
Биров кўз ташлаёлмас соясига,
Канизлар ҳар маҳал ёнида бўлғай,
Ширин меҳри дилу жонида бўлғай.
Етилмоқдан жамолининг камоли,
Тўлин ойдек тиниқ тўлди жамоли.
Жамолин шуҳрати овоза бўлди,
Нечук овоза, бе андоза бўлди.
Бор эрди Сирнинг ул ёнида бир тоғ,
Бу ёнда яшнаган кенг шаҳру қишлоқ.
Ўтар Сир шаҳр ила тоғ ўртасидан,
Самимий икки ўртоқ ўртасидан.
Кучайди кун сайин овоза такрор,
Ёрилди ҳар буюк тоғлар бўлиб гор.
Баҳодир бир йигит ҳуш қадду полвон,
Юрарди тоғнинг атрофида чўпон.
Бу шуҳратдан хабар топти йигит ҳам,

Баробар ишқ учун шоҳу гадо деб.
Мақол бор орзуга айб эмасдир,
Ўнгитман, менга сен тенгсиз демасдир...
Шу ерда қисса бўлди бир ажаброқ,
Очилди йўл, кўнгил ҳам бўлди порлоқ.
Кузини Зумрадга Одил ташлади бир,
Деди Зумрадга Одил ўртада Сир.
Ўши эрди йигирма бешга чоғлиқ,
Баҳодирликда ҳар ишга яроғлиқ.
Қизил юз, ўрта бўйли, кўзи шаҳло,
Тўлуғ, барвастаю, салмоқли доно.
Дадил, арслон тўшу ҳам кўкраги кенг,
Оғирликда оғир тоғлар билан тенг.
Кийикдек сергагу, ҳушёр, чавандоз,
Қадам қўйганда тоғлар қилгай овоз.
Очиқ чехра, диловар, марду, ҳушгап,
Кўзи ўйнаб турар кулганда сўзлаб.
Киши ҳар кифтида ўлтирса бўлгай.
Агар қасд этса ваҳшийлар тутилгай.
Бақувват панжалар чанг солса шерга,
Ўқиртар ағдариб урганда ерга.
Юзида мавж урар ғайрат, шижоат,
Кураш қилганда, фил қилмайди тоқат..."

Кўриб Одилни Зумрад худди Фарҳод,
Қувонди, боқди Шириндек бўлиб шод.
Кўзи Одилда-ю, чолда қулоғи.
Ушбу ашқиб кўрингай, бўлди боғи.

Тушиб ўт, совчилар бозори қизғин,
Баробар чанг солиб бургутми, лочин.
Давом этмоқда тун кун келди-кетти,
На ором олди, на бир ерга етди.
Кезиб тоғ бағрида фарзона Фарҳод,
Овинтиргай ўзин мардона Фарҳод.
Боқиб тоғларга, арз эткай дамодам,
Ширин меҳрин кўпайтир, қилма де б кам.
Юракка тушган учқунни олов қил,
Рақиблар кирмасин шаҳр ичра ғов қил.
Баланд эт, сўзласам акси садони,
Нигорим кўнглига солгил вафони.
Кишим йўқ, давлатим йўқ, камбағалман,
Яроқ йўқ, мансабим йўқ, беамалман.
Қўлимда нарса йўқ жонимдан ўзга,
Кўнгилда ишқу жононимдан ўзга,
Суянган сенга Фарҳоднинг эрурман.
Керак бўлса агар жоним берурман.
Бор эрди бир ўжар Хисров деган шоҳ,
Кўп эрди мамлакат ҳам катта даргоҳ.
Супоҳу лашкару эл сондин ортиқ,
Хазина мулку моли кондин ортиқ.
Жаҳонда давлати зўр, қудрати зўр.
Танилган ер юзига, шуҳрати зўр.
Буюк тахти фалакка етқуриб бош,
Урар тожи жавоҳирлар билан тош.
Ғазаблик юрса, ерга ларза солгай,
Неким олмоқчи бўлса, қўлга олгай.
Шароҳиҳлар тўғлар қонилар қиллар

Бобо айтди улар авлоди сиз деб.
Бобонинг сўзларида бир сири бор,
Шу сирни англамоқ албатта даркор.
Бу чўл сув бўлса бўлгай ер учун кон,
Агар қасд этса инсон, қилгай осон.
Бўлиб ҳурлик ҳануз бир ёшга тўлмай,
Ватанда ички душмандан қутулмай,
Улуғ Ленин кўриб ўткир кўзида,
Шу Туркистонни зикр айлаб сўзида,
Қақир поёни йўқ чўлларга боқди,
Бу шонли марҳамат халқимга ёқди.
Очилсин шунда ернинг кони бор, деб,
Етарлик сувлари бор, жони бор, деб,
Муборак қўлни қўйди доҳи Ленин,
Бу имзога қилур илм аҳли таҳсин,
Бу имзо Мирзачўлга жон бағишлар,
Шарафли боғ билан бўстон бағишлар.
Бу имзо ташналарга қутлуғ имзо.
Бу имзодан бурилгай чўлга дарё,
Бу чўлни кўзлашиб ўтмиш замон ҳам,
Амиру, ҳокиму, султонун, хон ҳам,
Шу Сирни чўлга боғлаб киргизишга,
Улик чўлга бериб жон, тиргизишга,
Уринган ҳам, курашган, бўлмаган ҳал,
Ҳавога учди меҳнат қолди муҳмал.
Ариққа чиқмади сув арзигундек,
Юракда кетди ҳасрат кир тугундек.
Бугун бизларда сув чиққай шариллаб,
Кирар чўл қўйнига тезлаб, вариллаб.
На Ҳисров бор, на хони, на супоҳи.
На мазлум бор, на мазлумларнинг оҳи.
Азиз Фарҳодимиз айтган замона
Келиб, кўчди ҳақиқатга фасона.
Бу Сирнинг қўйни лиммо-лим зару нур,
Бўлур бу нуру ердан ўлка мағрур.

Билурмиз Сирда бўлса ҳар нечук сир,
Очармиз не қадар сир бўлса бир-бир.
Қуёш ботди ётоққа елди эл ҳам,
Тун оқшом роҳат айлаб олгали дам.
Қўлида чой, ловиллаб кирди Зумрад,
Бобомсиз, эркалайман, қилмангиз рад.
Чироқни олди Одил, келди дарҳол,
Иковга бир кулиб боқди тетик чол.
Деди — Одил — бобо, сиз менга бобо,
Билурмен ертўла гор, сиз Суҳайло.
Кеча қолган чигал сирни очайлик,
Бу ўртоқларга сир нурин сочайлик.
Бобо кулди, деди: ўғлим, қизимсан,
Қуёшим, тўлган ойим, юлдузимсан.
Зерикмайман неча афсона айтсам,
Қулоқ солса биров, мардона айтсам.
Ва лекин чарчагансиз, дам олинглар,
Ётиб уйқуда роҳат ҳам олинглар.
Шу он барча баробар бир оғиздан:
Чиқар ҳордиқ эшитсак ҳарна сиздан.
Гириш топти, йиғин ҳам бўлди қизгин,
Бобо қилгай бугун афсонани чин:

Иккинчи ҳикоя

„Чиқиб Ширин Маҳинбону қошида
Деди не орзу бўлса бошида.
Кўринди ташна чексиз, шўрли саҳро,
Ёнидан мавж уриб ўтмоқда дарё.
Бахилликда ўтар қайрилмайин ҳеч,
Ичолмас ташналаб чўл эртаю кеч.
Кўзимга чўл эмас, бўстон кўринди,
Туганмас хилма хил зўр кон кўринди.
Муҳаббат лофин урганлар кўпаймиш,
Бўлибдир мамлакатда турли миш-миш.

Азим дарёни ким сахрога бурса,
Туну кун мавж уриб оқса, югурса,
Безаб гуллар билан соз этса чўлни,
Киши айланса, кўрса чўлда кўлни...

Супоҳдир, хоҳи шаҳзода бўлсин,
Гадодир хоҳи деҳқонзода бўлсин.
Сиримни Сир билур, Сирдан сўрайсиз,
Сирим бир сирки, ҳал бўлмайди Сирсиз.
Деди йиғлаб, юрак чоки сўкилди,
Юракда ҳарна сир бўлса, тўкилди.
Бажо қилса қачон, менга раво у,
Узилмас то тирикман ошно у.
Зару молу амал менга керакмас,
Кўзим дарёни чўлда кўрса бир, бас.
Бу борлиқнинг вужуди сувга боғлиқ,
Не чоғлиқ сув вужуд бўлгай шу чоғлиқ.
Вужуд бўлса ҳаёт ҳам сув талабдир,
Агар сув йўқ — ҳаёт йўқ, тўғри гандир.
Қақир чўлда гиёҳлар бош кўтармас,
Унишга ҳам ўсишга бўлса сув бас.
Туғилган чоғдаёқ титраб дириллаб,
Дегай сув, тамшаниб инсон, чириллаб.
Хазон фасли келиб умри сўлишда,
Қуриб лаб, жон бериш чоғда — ўлишда
На нон ер, на ошу на бошқани дер,
Ётиб сув дейдию, сув дейди, сув дер.
Еру, сув бир-бирига жуфту ҳам дўст,
Мизожи бир, бири жону, бири пўст.
Кел энди, жуфт этайлик сувни чўлга,
Қилиб равшан зиё бергай кўнгилга.
Қазиб турли ариқ, сув юргизайлик,
Ўликка жон бағишлаб тиргизайлик.
Иковдан бир ширин турмуш тузилгай,

Бу турмуш на узилгай, на бузилгай.
Агар чўл бўлса ҳам зоҳирда исми,
Ва лекин остида кону тилсими,
Иков бир-бирга ташна орзуманд,
Бўлур завқу муҳаббат бирла пайванд.
Бурунги чўл букун тўйхона бўлгай,
Безалгай турли гуллик сепга тўлгай.
Улуғ бу истагимни истагайман,
Адабсизликдан эрмас, қистагайман.
Қилай турмуш, башарти бўлса шартим,
Баробар менга майли бўлса ҳар ким.
Эшитди сўзни Бону, ғамга ботди,
Оғир шарту оғир иш, боши қотди.
Чиқиб тахт узра тездан, берди фармон,
Шириннинг шартин элга қилди эълон.
Бобо тарихини қилди ҳикоя,
Бу қисса топмайин, аммо, ниҳоя,
Ёришди тонг, кўринди субҳи содиқ,
Туриб тўлқинли қўзғалди халойиқ:
Кураш зўр, бир томон халқ, бир томон (
Йигит-қизлар дадил бир-бирдан абжир.
Канални истаганча пухта ишлаб,
Битирдик ҳам қулочлаб, ҳам қаришлаб.
Садоқат кўрсатиб эл, неча кунлар,
Ечилди дилдаги ғамлик тугунлар.

.....
Шижоат бирла қайралган саросар,
Зафар ёр бизга ғолиблик муқаррар.
Хотин-қизлар ёпишди ишга тинмай,
Дам олмай, тўхтамай чарчашни билмай.
Хусусан Зумрад ўзни урди бирдак,
Чайир, эпчил, метин, чаққону, сергак.
Ғарамлаб, тўдалаб шоҳу похолни
Ёғоч, тош, сим, терак ҳар катта толни.
Сепоя, чорпоя, сим бирла боғлаб,

Чунон ҳам боғлашиб, маҳкам қучоқлаб,
Ўзин юзларча одам сувга ўтди.
Қараб турмоққа виждондан уятди.
Яланғоч бўлди, аввал тушди Одил,
Баҳодир, ҳар оғир меҳнатга қобил.
Гаҳи бўлса балиқ, гоҳ бўлди ўрдак,
Тўғоннинг бир томонин қилди гижжак.
Неча сепоя бўлса, солди Сирга,
Терак, тол, шохни босди икки қирга.
Босишди шох, похоллар катта боғлаб,
Оғир тошларни ташлаб тепди чоғлаб.
Ҳавони тутди ҳа, бўл, қийқирувлар,
Бўкирди шарқираб ҳайбатли сувлар.
Биров тошу, биров шоху, похол сим,
Кўтаргай чангда, кўрмас бир-бирин ким,
Ажойиб жонсараклик қилди Зумрад
На иш енгил, оғирдир қилмади рад.
Боқиб Зумрадга Одил, дилда ҳайрат,
Бажардим шартни деб қилди ишорат.
Келиб Рустам бобо, Фарҳодларим деб,
Диловар қаҳрамон авлодларим, деб,
Қизим деб, Зумрадим деб, эркалатди,
Шу бахтингнинг боши деб бир қаратди.
Халойиқ шу зайлда қаттиқ ишда.
Қийин аҳволу музлик сувда, қишда,
Ияклар қақраган титраб қарилар,
Уриб қўлтиққа сув қўлда харилар.
Уруш бормоқда, даҳшат бўлмайин кам,
Кам эрмас у фронтдан бу фронт ҳам.
Бериб Усмон мироб белни тўғонга,
Тинимсиз кўзни ташлар икки ёнга.
Ўзи сувнинг пири, ҳам уста сайёд,
Ҳамиша дилда эрди ташна чўл ёд.
Ғанишер тош босишга бўлса чаққон,
Одил сепояни тутмоқда полвон.

Оқиб катта-кичик муз тахта-тахта,
Келиб кўкракка ургай лахта-лахта
Ёпишган кўксига бўлса соқоллар,
Соқолларга оқиб келган похоллар.
Тўғонни гоҳ узиб сув, гоҳи бузгай,
Ёпишгай комсомоллар, қайта тузгай.
Юракда ўт, баданларда ҳарорат,
Курашда кўрсатиб Сирга жасорат,
Ховурларки, тумандек тутди кўкни,
Жиловлаб кўрсатармиз кўргуликни,
Уриб музлар, оёқлар ҳам тилинган,
Кўкарган, қонлар оққан ҳам шилинган.
Давом этмас бу мушкуллик, оғирлик,
Нечунким, элда бор қудратли бирлик.
Йўғон тошларни шошқин орқалаб эл
Эзилган гўшти, қотган елкаю, бел.
Келиб тошларни иргитгай тўғонга,
Бобо Рустам бали, деб паҳлавонга.
Неча тош тушса сув комига тортиб,
Шарақлаб иштаҳаси ҳаддан ортиб
Ютар ҳар қанча бўлса чайнамасдан,
Йўл олгай кўрмагандек қайнамасдан,
Олиб кеткай уриб тошларга тошни,
Кўриб тош ташлаган чайпайди бошни.
Агар Одил бирин тутса, бири бор,
Иликларга урар ўткир қири бор.
Деманг, Сир тўймагур зўр аждаҳо бу,
Қилурмиз тошбўрон, қандай бало бу,
Кишанлаймиз бунингдек тўнг бўйинни,
Қани, бизларга кўрсатсин ўйинни.
Юрар энди элим кўрсатган издан,
Буролмас то жаҳон бор, юзни биздан.
Отоқли қаҳрамон, жанговар элмиз,
Ватанпарвар, ҳақиқатпарвар элмиз.
Чироқлар ёнди, ишдан келди мардум,

Ғупурлаб ертўла боз бўлди гавжим,
Бобо, Зумрад билан бир шартимиз бор,
Билурман, ўртамызга тушмас ағёр.—
Деди, келтирди Одилжон чароғни,
Ишорат қилди Зумрадхонга тоғни.
Кўрармиз деб кулиб ўлтирди Зумрад,
Бугун майдонда ким номарду ким мард.
Бобо лаб очди сўзга ошиқона,
Рақибу, ишқу, шўр ишдан нишона:

Учинчи ҳикоя

„Жаҳонга янги бир овоза тўлди,
Саройга Сир йўлу дарвоза бўлди.
Жаранглаб берди тоғ акси садолар,
Туташди, кўкка чиқди можаролар.
Хабардан бўлди воқиф тоғда Фарҳод,
Севинчи сизмай иргишлаб бўлиб шод.
Ёқимли оқилона бу хабар деб,
Ҳамон Фарҳод учун айни зафар деб,
Юриб дарё билан саҳрони чоғлаб,
Шижоатдан белу пешона боғлаб,
Шимарди енгни, бар урди этакни,
Деди,— бахт изламиш мен бедаракни.
Ғаҳи тоққа муҳаббатдан сўз айтиб,
Эшитгай тоғдан ул айтганни қайтиб.
Боқиб мўлжаллаб аввал сув юришини,
Қазиб тоғдан ариқни, бошлаб ишни,
Кўринган тоғни ғайратдан кемиргай,
Агар дарё келур бўлса, шимиргай.
Кесиб кетмон билан тошларни лойдек,
Кўрингай қаттиқ ишлар ҳам қулайдек,
Метин урганда тошлардан чиқиб ўт,
Қаро тошлар бўлиб монанди ёқут
Отилгай, тошлари кўкка чақиндек,
Кўз очгунча бўлур парчин яқиндек.

Ҳаволаб тоққа урганда метинни,
Киши кўрган эмас бундай четинни.
Туву кун тўхтамас акси садо ҳам,
Баҳодир ҳам бўлиб тобора бардам.
Муҳаббатнинг майидан қаҳрамон маст,
Босиб иш олга, кайфи бўлмагай паст.
Ҳамиша ёри фикри зикри ўртоғ,
Дам олмас, ордик олмас, таби ҳам чоғ.
Тушимда бир кўрай, дер, йўқдир уйқу,
Сирин арз этса еткурмай ютар сув.
Келиб Сирда ювар юз тардини ҳам,
Юварди айтиб-айтиб дардини ҳам.
Эл ичра тонди шуҳрат қаҳрамон деб,
Кураш майдонида соҳибқирон деб.
Азим дирёга шердек пилжа солмиш,
Бериб ўмган курашмоққа бел олмиш.
Ёйилди қалъаю кишварга етди.
Бу шуҳрат авж олиб, ҳар ёнга кетди.
Саройда бўлди сўз янги гулудан,
Йигитдан, тоғу чўлдан, гоҳи сувдан.
Ширин ҳам бўлди шов-шувдан хабардор,
Қилиб ков-ков аниқлаш бўлди такрор.
Биров сўз очса қадлу қоматидан,
Биров меҳнатга бўлган рағбатидан,
Биров тош йўнмағига қилса таҳсин,
Биров кўкка қилур деб тошни парчин;
Тўлиб сўз оғзига қайнаб канизлар,
Баробар антикиб мақтайди қизлар.
Йигитга бўлди Ширин кўнгли пайванд,
Бўлак сўз бўлса бўлмай зарра хурсанд.
Очилгай сўзласа Фарҳодидан ким,
Киришгай сўзга, йўқса ўлтирур жим.
Юракка бора-бора ўт туташди,
Томирлардан ўтиб бошига ошди.
Ғапирса келгай аввал тилга Фарҳод.

Билур қизлар Ширин Фарҳод ила шоҳ.
Бошида айланиб ёрин хаёли,
Бўлолмас ўйламоқдан лаҳза холи.
Йигит меҳрин кўнгилга нақш қилди,
Вужудин ғойибона бахш қилди.
Кўнгилда иштиёқи ҳаддан ортиб,
Кириб хилватга махфи оқ тортиб,
Кўзига ёри келгай, келмас уйку,
Бўлиб ҳўл қатма-қат ҳар кеча парқў.
Тиниб бир ерда бирдам ўлтиролмай,
Туни кунга, куни тунга улангай.
Сир ичра икки ошиқ сири лим-лим,
Жимиб тундликда ўтгай шарпасиз жим.
Кўролмас бир-бирин, бу ўртада гов,
Ҳасадли ё олов, ёким ўжар ёв.
Кучайган эрди Хисровда ҳарорат,
Ғапирмоқ ўз-ўзидан бўлди одат.
Ғаҳи қўзғалса шоҳлик бирла қаҳри,
Ғазабдан ғаҳ сочилгай эрди заҳри.
Ғаҳи айвонда ҳайқирса айиқдек,
Ғаҳи ҳавз ичра чайқалган қайиқдек,
Қилур андиша, Ширин ҳўрмати бор,
Ишончи борму аммо муҳлати бор.
Юбормоқ кунда-кунда элчи совчи.
Деманг элчи, хиёнатчи, таловчи,
Хабар топдики Ширин шарт этибдир,
Қарору аҳди бир жойга етибдур.
Узоқ фикр этди тезлатмоққа ишни,
Бажармоқ ишни жононга етишни.
Қилиб шармандалик, бетни сидирди,
Юмиб кўз, ҳийла-ю, найранг қидирди.
Қизикмоқдан, шошилмоқдан бўлиб танг
Ариқдан қўлни ювди; топди найранг.
Деди — ҳикматли сир қудратли тадбир,
Қазиш ҳожат эмас, тоғу адир, қир.

Буюрди неча минг бўйра тўқишга,
Нечук бўйра тўқиш найранг ўқишга.
Тўқишга тушди минглаб бўйра бошлар,
Штоб этмоқда ҳар соат хитоблар.
Тўқилганларни топширмоқ паёнай,
Тўқилмоқда яна тинмай таянмай.
Ташиб саҳрога тоғ-тоғлаб ғарамлаб,
Ҳисобдан ҳам яна ортиқча ғамлаб.
Қўйиб саҳрога қўрбошию, миршаб,
Халойиқ билмасин деб сирни сақлаб.
Бирор инсон у саҳродан ўтолмас,
Учар қуш, паишалар ҳам пир ётолмас.
Келиб жилмайди Хисров, бўлди хурсанд,
Бугун мақсадга еткандек, фараҳманд.
Буюрди бўйрадан дарё тузинг, деб,
Менинг ижодим элга қўргузинг, деб.
Ёғочу тахта, бўйра судради эл,
Ададсиз уста келди боғлади бел.
Ёзилди бўйра, сувсиз, битди дарё
Уятсиз шоҳи Хисров мунча доно.
Қилиб пайваста бир-бирларга боғлаб,
Кўринмас кўзга асло чак деган ғаш.
Битиб дарё, хабар Хисровга етди,
Очилди чехралар ҳам ханда этди.
Буюрди лашкарин, саҳрога етсин,
Тузилган сеҳр ила, дарёга етсин.
Саноқсиз чиқди лашкар, тўлди саҳро.
Кўринди ярқираб ҳайбатли „дарё“
Тўлин ой шуъла ташлаб, кеча ойдин,
Кўрингай сохта дарё ҳам бўлиб чин.
Ётиб остида лашкар раста-раста,
Жимирлаб тўлқин урди аста-аста.
Боқиб дарёга Хисров, бўлди мағрур,
Бўлур деб гайратим жононга манзур.
Аниқ билдики, мақсад келди қўлга,

Учар тулпорга минди, тушди йўлга.
Ғаҳи от чопса йўлда, ғаҳи йўртиб.
Томирлар қайнаган қон бирла бўртиб.
Бориб Бонуга сурлик бирла меҳмон
Бўлиб ўлтирди, аммо дилда жонон,
Бу кеча берди ой Хисровга ёрдам,
Мусаффо, сутдек ойдин бўлди олам.
Равоқдан кўрсатиб ойдинда ишни,
Деди — Бонуга Хисров тўй қилишни.
Кўринди тахт уза Бонуга саҳро
Тиниқ тўлқин урар саҳрода „дарё“
Ўраб ғам, кетди бошдан ақл ила ҳуш,
Ғулистонига гўё қўнди бойқуш.
Тўлиб кўз тиндириб тўлқинлаган сув,
Бировга тўй, бировларга аза бу.
Ширин ҳам рози бўлди чору, почор,
Нечунким чўлда сир кўрсатди дийдор,
Улуғ дарғоҳда Бону бошлади тўй,
Сўйилди бир неча оту, сўқим, қўй,
Очиб ҳар ким муборақбод учун лаб,
Қизиқ базму ўйинлар бўлди тунлаб.
Бунингдек бўлмаган тўю томошо,
Чимилдиқда Ширин кўз ёши дарё.
Кўтармас, бошини Фарҳодин ўйлаб,
Ғаҳи тоғларга кўз ташлайди бўйлаб.
Ичида ўт ёниб оҳ деб тутунсиз,
Ҳароратдан куяр жисми ўтинсиз.
Куёв келди, тузилди базми жамшид,
Булут ичра кириб бурканди хуршид.
Қизиб суҳбат, кучайди нўш уза нўш,
Қўшиқлар, яллалар мастона беҳуш.
Куёз ғўшанкага кирди бўлиб маст,
Йиқилди, ётди-ю, ер бирла тенг наст.
Яна бир кўргали дарёни Ширин
Тонг отмай иштиёқи бўлди қизгин,

Саҳар Ширин туриб юрди равоқда,
Кўзи саҳрода гоҳи, гоҳи тоғда.
Гоҳи кўзга кўринса тоғда Фарҳод,
Гоҳи сув бирла кўргай чўлни обод.
Бўлибдир чўлда тун даҳшатли бўрон,
Қуюнлар изғишиб тўлмиш биёбон.
Кўчирмиш бўйрадек дарёни чайқаб,
Учибдир сув, ётибдур чўл қуруқшаб.
Кўринди ташна, шўрлик, эски саҳро.
На ой бор, на канал бору на дарё.
Тузилган сеҳру, найрангларни билди,
Бошига худди зўр тоғ ағдарилди.
Вужуди титради, сочларин юлди,
Тўлиб кўз ёшлари дув-дув тўкилди.
Боқиб осмон узоқ, ер кўрди қаттиқ,
Жаҳон тору ширин ош бўлди аччиқ

Кириб бир уйга беркитди эшикни,
Ва ё бир игнача қўймай тешикни
Деди — эй ҳийлагар, номард фалак сен,
На қасдинг бор эди, қилдинг ҳалак сен.
Мени, шўрликни келтирдинг жаҳонга,
Алам тўлган жаҳонинг тегди жонга.
Қилиб зотингдаги найрангни зоҳир,
Хиёнатгарлигинг кўрсатдинг охир.
Туғилган чоғдаёқ ўлсам эди хўп
Балолар кўрмас эрдим бунчалар кўп.
Кел эй золим фалак, кўрсат ишингни,
На қилмиш истасанг, қил қилмишингни.
Бутун юлдузларингни тош қилиб от,
Пачақлаб ерга ур, чайнак қилиб қот.
Қуёшинг бирла куйдиргин танимни,
Совур кўкка кул айлаб гулханимни,
Булутлар тўкса селу ёмғиру дўл.
Менинг устимга тўксин оз эмас, мўл.

Чақинлар шарқираб тегсин бошимга,
Даво қил, заҳру оғу сол ошимга.
Ажал, раҳм айла, кел қил ишни қойил —
Деди — бирдан шимирди заҳри қотил.
Илондек тўлганиб тор бу қафасда,
Қочиб қон, ранги ўчди бир нафасда.
Деди — эй жон, бу ерда турма, тез кет
Қолурмен бунда Фарҳодимга сен ет...
Жаҳон айвонига бир боқди туф деб,
Юборди жонни жононига уф деб,
Кириб якбора Бону дод солди,
Уриб ўзни, юлиб, фарёд солди.
Қучоқлаб, ўпди, ёнига йиқилди,
Тугалмас зўр фалокатга тикилди.

* * *

Бобом шунда ғазабдан очди кўзни
Табассум қилди, элга бурди юзни.
Тўлун ой пардада уйқуга кирди.
Саҳар файзи хўрозлар ҳам чақирди.

* * *

Бобом сўз гавҳарин бир кеча сочди,
Чиқиб эл ишга, юлдуз ўчди, қочди.
Ҳама тўлқинли дарёдек югурди.
Штаб гирдобиди айланди турди.
Ботирлар чўлда жишлашди, топишди,
Азим дарёга тирноқлаб ёпишди.
Гурури, завқи дилла, эртадан кеч,
Совуқ қил, сувда ишлар, пох демай ҳеч
Ҳунарманд эл ариқ қазмоқни кўзлаб,
Йўлин топди, чиқарди неча юзлаб,
Ажойиб, зўр машина қилди ижод,
Наким қасд этса, қилгай одамизод.

Тишин қайраб тошу тупроққа солгай,
На олса лоақал бир тонна олгай,
Пўлат полвон дегай номин халойиқ,
Иши ҳам савлати номига лойиқ.
Яна иккинчи бир полвонимиз бор,
Буюк тоғлар унинг қошида ночор,
Суриб, еринг баландин паст этар у,
Қилиб текис, равон юрмоқ учун сув,
Қириштирдик, қириб, қиртишлаб, ишлаб,
Киришдик гуллатишга, ёзу қишлаб,
Ўтиб бир неча кунлар, ҳафталар ҳам,
Канал битди, тўғон ҳам бўлди байрам
Метиндек ер, метинлаб ёрдик, ўйдик,
Каналга шодиёна сувни қўйдик.
Қурилган каттакон дарвоза саккиз,
Ўжар дарё келиб мунда букар тиз.
Тоғ узра санчиган оҳуга ўхшаб,
Ва ё тоғдан тушувчи сувга ўхшаб.
Ҳавода товланиб бир даста гулдек,
Ўйинлар кўрсатиб шўх, ёш кўнгилдек,
Отилган зарб ила кўкка шалола,
Мусаффо ёмғиру қор ёки жола.
Сочилган сувга гавҳар поралардек,
Кўринмас ишқ ила оворалардек,
Гулиргай, мавж уриб саҳрога юргай,
У ерда боғланур, билмай югургай.
Азим саҳрода ишланган завод у,
Чиқаргай нур, чиқармас зарра дуд у.
Завод-мас балки саҳронинг тилисми.
Аталган нуробод деб элда исми.
Бўлур қишлоғу майдон нуру, чўл нур,
Шаҳарлар нуру, боғлар нуру, кўл нур.
Заводлар, уйлару ишхоналар нур,
Трамвай, кўча-кўй, чойхоналар нур.
Хўжанд, Фарғона, Тошкенту Самарқанд,

Туташган нурлари бир-бирига пайванд.
Ажаб қувватли нур, ер нур, ҳаво нур.
Санаб бўлмайди фазлини, ҳоказо нур.
Етаклаб Сирни сувдек чўлга сочиб,
Олурмиз катта бойлик конни очиб.
Этаклаб, тонналаб, қоплаб саросар,
Шўр ўрнига шакар, қум ўрнига зар.
Берар лаззатли мева шаҳру боғлар,
Оқ олтинлар бўлур хирмонда тоғлар,
Деди Одилга Зумрад қай чаман бу,
Деди Одил сизу бизга ватан бу.
Қилур турмуш бу ташна чўл билан сув.
Қачон бўлгай бу тўй деб қилди кулку.
Кулиб Одил деди — бор менда бир ўй,
Яқин кунларда бўлса бизда ҳам тўй...

Канал тўлқини

Ҳар жонда ҳаёт учун асар сув,
Жондан берур ўйласанг хабар сув.
Ким истаса гуллатиш ватанни,
Зўр бойлигу айни кону зар сув.
Чўл бағрига элтиб ишга солсак,
Гулзор ила кўрсатар ҳунар сув.
Бир донани ерга кўмса деҳқон,
Ўз вақтида бирга минг берар сув.
Парвоз ила қўкка учса қушлар,
Мақсадга етурга болу пар сув.
Кўз равшану дил бўлур манаввар,
Кўз олдида бўлса жилвагар сув.
Искандар истаган оби ҳаёт бу,
Ўшал Хисровга келтирган уят бу.
Бўлиб кўз кўрмаган тўю томоша,
Ададсиз келди меҳмон, тўлди саҳро.

Қақир сахро бугун тўйхона бўлди,
Ери зар, тошлари дурдона бўлди.
Халойиқ бирла тўлди икки қирғоқ,
Бўлиб меҳнат сувидан юзлари оқ.
Келиб санъатчилар юзлардан ортиқ,
Қилиб санъатларин бу тўйга тортиқ.
Ҳама созандалар соз олди қўлга,
Канал бўйлаб баробар юрди йўлга.
Жаранглаб карнаю сурнай, ноғора,
Кўтармоқда овозни бора-бора,
Беш-ўн чирманда гиж-гижлар бўлиб пар,
Қувиб дарёни ҳуркитмоқда яксар.
Дутору, танбиру, най, гижжагу, чанг,
На машқ этса бўлур тўлқин ҳамоҳанг,
Канал бўйлаб Ҳалиманинг овжи,
Тошиб тўлқинли сув, авж олди мавжи.

Чиқарди кўкка „Ушшоқ“ни Саодат,
Бериб сув пишқириб қайнаб ҳарорат.
Кулиб шўх-шўх Назира қилса ялла
Ўжар сув қилди тошқинликни алла.
Фароғат ўйноқи куйлар „Чапандоз“,
Шариллаб, шарқираб сув қилди овоз.
Дамо-дам жўр этиб қилса тарона,
Бўлур ҳайбатли сув санчиб равона.
Мукаррамхоним ўйнаб айланур чоғ,
Гуфурди сув кўнгилда қолмади доғ.
Баҳодир қанча меҳнаткашлар ўйнаб,
Қулоқларга тўлиб раҳмат деган гап.
Келиб завқи шарафли меҳнатига,
Боқиб айниқса элнинг ҳурматига,
Каналга Зумрад ўзни отди олдин,
Кўринг — гўёки учди, тушди лочин.
Кўриб Зумрадни Одил қилди парвоз,
Етиб ёнига қўнди худди бир ғоз.

Қизиб Одил вужуди, жони, қони,
Кўтарди елкага Рустам бобони.
Булар олдинда юрди, орқада сув,
Бўлиб сув тўлқини ўлкамга кўзгу.
Ўйинда Зумрад олдин юрди бошлаб,
Гаҳи гир айланиб, гоҳ қўлни ташлаб.
Кўриб раққосалар ҳайратда қолди,
Адашди рақсидан, ҳатто уялди.

Ишқ тўлқини

Урар сув дашти бепоёнда тўлқин
Кўриб сув тўлқинин ҳар жонда тўлқин.
Юракларга тўлиб тўлқинли завқи,
Томирларда югурган қонда тўлқин.
Тиниқ гавҳар каби тушган шалола.
Кўрингай ерда-ю, осмонда тўлқин.
Шунингдек тўлқин ургай сув жаҳонда,
Топилса иттифоқ инсонда тўлқин.
Шариллаб йўлма-йўл, қайнаб лабо-лаб,
Кириб чўлга урар майдонда тўлқин.
Бу тўлқин сув эмас, пешона тер бу,
Бўлур сувчи йигит, деҳқонда тўлқин.
Берар тўлқинли лаззат меваларга,
Кўрармиз боғ била бўстонда тўлқин.
Келиб сув етди эл мақсадга қонди,
Бўлиб кеч ертўла шаҳрига ёнди.
Қолиб тўпдан кейинроқ Зумрад, Одил,
Деди — Одил — тилаклар бўлди ҳосил.
На дерсан Зумрадим, жонону жоним,
Дегил, тортинмайин ширин забоним,
Тўлин ой тепада, кундуздек ойдин,
Тиниқ бир шуъла пастда янги сойдин.
Чиқармай дам, узун дарёни бўйлаб,
Савол нозик жавобин ўйлаб-ўйлаб.

Деди — Зумрад — ўлим менга жудонлик,
Ёниб аҳдимдан этмоқ бевафоллик.
Ватан деб, Мирзачўл деб, ишладик биз,
Оғирликка чидаб тиш тишладик биз,
Уриндик зўр бериб, сувни чиқардик,
Яшайлик Мирзачўлда нуру зардек.
Деди — жононга — Одил Андижонни
Қабул этгин, қўшайлик жонга жонни.
Тилак зўр андижонлик комсомолман,
Бўлайлик иккимиз бир жону бир тан.
На хуш Фарҳод ила Ширин бўлурмиз,
Қуруқ афсона эрмас, чин бўлурмиз.
Ҳамиша сен билан бўлмоқ умидим,
Канал битгунча келдим индамай жим. —
Деди — Зумрад шу сув ҳам, ташна чўл ҳа
Ҳамиша бизники чекдик алам, ғам.
Бориб ишга солайлик сувни, ерни,
Яна бир қанча минг меҳнаткаш — эрни.
Шу чўлни гуллатишлик ниятим бор,
Фидокорона қилган меҳнатим бор.
Она хоним Ширин армонда кетган,
Замон йўл бермаган, дармонда кетган.
Бобом Фарҳод ишин-ку йўлга солдик.
На мақсад бўлса, унда қўлга олдик.
Онам Шириндаги истакни ҳам биз,
Тилакдан ортиқ ишлаб қўллагаймиз.
Бобом Ленин сўзи доим дилимда,
Яшар мангу ҳама юрту элимда.
Шу Туркистон деган сўз, Мирзачўл деб,
Билурмен, қайтмоғимни кўрмадим эп.
Деди — Одил — мени қилди хижолат
Кўринган сендаги ғайрат, садоқат.
Бўлайлик иккимиз оламга кўзгу,
Ўчирмас номимизни чўлдаги сув. —
Кулимсиб Зумрад ўйлаб қилди мақбул,

Билинди яхши ният, бўлди маъқул.
Гулу, гулзору бўстон боғ этишга,
Иков дардли юракни соғ этишга,
Беришди қўлни қўлга, аҳд этишди,
Кўнгиллар тинди, манзилга етишди.
Киришди ертўла, зич элга, ялла,
Кўринди ҳама шод, энг яхши палла.
Яна бир бошқача бўлди тарона,
Ёқимли бошқача сўз шодиёна.
Бўлиб меҳнат майининг завқидан маст,
Бўлур тобора авжу бўлмагай паст.
Чироқни келтириб Одил бобога,
Деди — бошланг, келайлик муддаога.
Бугунги бошқача суҳбат ҳикоя,
Чуқур мазмунигу ибратли гоё.
Бобом сўзни қотирди, қилди манзур,
Буқун мўлжалга етдик, хайри маъзур.

Тўртинчи ҳикоя

Эшитди шум хабарни тоғда Фарҳод,
Бўлиб идроку ақли, ҳуши барбод.
Кетиб дармон, баданлар ҳам уюшди,
Метин ҳам болта, кетмон, ерга тушди.
Қотиб кўзлар, очик ҳайратда қолди,
Нафас ичга тушиб чиқмай йўқолди.
Бирор соатда қаттиқ оҳ тортиб,
Тутун чиқди қуюқ тоғни қорартиб.
Деди — эй чархи маккору ситамгар,
Шиоринг зулму, касбинг сеҳрпарвар.
Жаҳонга келдиму домингга тушдим,
Ҳаёт бу бўлса кўнглимни ушутим.
Йигитликда белим букдинг, қайирдинг,
Кўролмай, рашк этиб ёрдан айирдинг.

Қазолмасдан кетарман бир ариқча,
Элимга фойда еткурмай тариқча.
Деди тинч уйга эй Ширин етибсан,
Балоларга мени ташлаб кетибсан.
Мени қўйма ажал, бу ерда, кеткиз,
Ғанимат ҳар нафас, жононга еткиз.
Сен эй тоғ, бўлдинг ўртоғим, паноҳим,
Бўлурсан бир кун ишқимга гувоҳим.
Ўтар йиллар, асрлар, келгай авлод,
Яшар эл зулму Хисровлардан озод.
Менинг ному нишоним сақлагайсан,
Гувоҳликни ўшанда оқлагайсан.
Не кўрдинг — кўрмадинг бир-бир баён қил,
Режамни, тузган ишларни аён қил.
Йиқилдим, бўлмади мақсад муяссар,
Йўлимни тўсди номард сеҳргарлар.
Сиримни айтайин эй Сир, қулоқ сол,
Келур кунларки, бўлгай ёрим иқбол.
На мен, на чўл, на у Ширинга боқдинг,
Жимиб тундада бир қайрилмай оқдинг,
Самимий икки ошиққа бўлиб гов,
Етиштирмай тугатдинг, гов эмас, ёв.
Топар Ширинни, сендан изласа ким,
Нишону номи сен бирла яшар жим.
Бўлур минг-минглаб авлодимда Фарҳод,
Келиб Фарҳоду Ширин деб қилур ёд.
Шикоят айладим сендан, кечиргин,
Қабул эт, сирни билдинг, заҳр ичиргин,
Сиру тоғ бирла қилдим хайри-маъзур,
Тушай йўлга кўзимдан кетмайин нур.
Ғазаб бирла олиб кетмонни қўлга,
Боқиб бир ерга, кўкка, ўнгу, сўлга,
Деди — эй гумбази гардуни номард,
Юзингга чанг сочай ерни қилиб гард.
Бугун маккорликни кимга қилдинг,

Аниқ билки, пачақландинг, йиқилдинг.
Қуёшингни бир оҳ деб ёндирай мен,
Хама қилмишларингдан тондирай мен.
Яна бир оҳ десам парданг сўкилгай,
Бутун юлдузларинг тутдек тўкилгай.
Деди ростлаб ўзин, қаттиқ тутиб дам,
Кўринмай заррача осмону олам,
Ҳазабдан отди кетмонни ҳавога,
Булутлардан ўтиб, етди самога!
Қуёш ўрнида кетмон бир ярақлаб,
Тушар чоғда яшиндан тез шарақлаб...
Ётиб мардона тошга қўйди бўйнин,
Қучоқлаб тошни ўпди, очди қўйнин.
Яшиндан тезу, олмосдек қирига,
Бўйинни тутди умрин охирига.
Келиб шарт қирқди, тан бошдан узилди,
Ётиб уйқуга, роҳатда чўзилди.
Бу мотамдин фалак йиртиб ёқосин,
Суриб ҳар ёнга субҳи тун қоросин.
Бутун юлдузлари хилватга кўчди,
Югурди тонг насими, лампа ўчди.

* * *

Бобо ростлаб ўзин ўлтирди, кулди,
Лаб очди сўзга, сўз дурри тўкилди.
Деди — афсонадан қилдим ҳикоя,
Кўтардим ҳар кеча поя-бапоя,
Ҳақиқатларга айланди фасонам.
Қуёшдек бўлди равшан, кўрди олам.
Ҳақиқатни фасона бирла таққос,—
Қилайлик, бир-бирига келтириб мос.
Бугун бир қанча Фарҳод ила Ширин,
Ўзим майдонда кўрдим, лоф эмас, чин.
Замона парвариш қилди, етишди,
Ададсиз кону сирлар кашф этишди.

Замон Фарҳодлари, Ширинлари сиз
Бўлур Фарҳоду Ширин ҳар ўғил, қиз.
Адолатдан туғилгай ҳар ҳақиқат,
Адолат бўлмаса — бўлгай хиёнат.
Адолат бирла бўлгай чўллар обод,
Адолат бўлмаса, обод барбод.
Адолат бирла етдик бу шарафга,
Шарафли донг таратдик ҳар тарафга.

Шодиёна қўшиғи

Мавж уриб юрди бу кун саҳрога дарё бошқача.
Қўйнига олди севиб дарёни саҳро бошқача.

Бир оғиздан айтишиб ёр-ёр, қўшиқлар, яллалар,
Ёш куёв бирла келур тўй-ю, томоша бошқача.

Ранг-баранг гуллар чечаклардан бу чўлга сеп ёзиб,
Тушмас ўрнига кўнгиллар қилмасак то бошқача.

Йўлма-йўл бахмал поёндози тўшалган сабзадир,
Яшнагай, тўлгай бўлиб гул чеҳра зебо бошқача.

Зўр тилак, меҳнаткаш элмиз боғу гулзор эткали
Боғладик белни, қилурмиз тезда барпо бошқача.

Янги шаҳру янги қишлоқлар тузиб, обод этиб,
Хилма-хил ишлаб чиқаргаймиз хомашё бошқача.

* * *

Чигаллар, барча мушкуллар бўлиб ҳал,
Ечилмай қолмади бир зарра мужмал.
На ишқим қилди қилди Мирзачўл деб,
Қидирди йўл, топилди Мирзачўл деб.
Ажойиб чиқди иқбол офтоби,
Сурилди ҳар томон зулмаг ниқоби.

Сочилди Мирзачўлга нур ила зар,
Қоронғулик кетиб, бўлди мунаввар.
Очилди Сирдаги бор сир эди нур,
Шу ерда, фан қўлида бўлди мажбур,
Шу ердур манзили ўлкам қуёшин,
Чиқар тун, кундузи буркайди бошин.
Муҳаббатли, тотимли бўлди турмуш,
Келиб шодлик, фарахлик, кетди ташвиш.
Ҳамиша яйраган йиртқич — даранда —
Йўқолди ҳар қора қурту газанда.
Увиллаб бўрилар, ҳайбатли овоз,
Кўзи чўлнинг чироғидир қишу ёз.
У йиртқичларнинг ин, ўрда маконин,
Бузуқ ниятли бойқуш ошиёнин
Босиб, ҳар бир томондан сув қўйилди,
Ўзига бўлди гўр, инлар ўйилди,
Жиловлаб Зумрад. Одил бирга келди,
Кутиб истакларин, охирга келди,
Севинчли бу хабар ҳар ёнга кетди,
Йўл олди қанча одам, парвоз этди.
Паё-пай келди-келди кунда-кунда,
Узилмас охири на кун, на тунда,
Қучоғин очди Одил, келса ҳар ким,
На иш қилмоқчи бўлса берди таълим.
Чиқиб, иш бошлаб Одил, урди кетмон.
Деди: — обод эгай то танда бор жон.
Фидокорона, ҳар ишнинг бошида.
Париллаб Зумрад ишлар ёнбошида,
Тузилди қанча колхоз, қанча совхоз,
Гуриллаб кетди иш, чўл топди пардоз.
Шижоат кўрсатишди Андижондан,
Яна ҳар шахру миллат ҳар томондан.

Қўшилмоқда, келиб ортиқ ададдан,
Хужум қаттиқ бўлиб, меҳнаткаш элда,
Борур ўзлаштириб ҳар ойда йилда,
Бўшаштирмай ҳужумин бир тарафдан,
Олиб зўр ҳисса бу шону шарафдан,
Суриб, ишғол этиб, биз бир томондан,
Кураш кескинлашиб ҳар икки ёндан,
Ювиб шўрларни, тирноқлаб, тўкиб тер,
Кўпайтирди, очиб ҳосилга мўл ер.
Ариқларни тараб беш панжадек соз,
Қилиб ҳар икки қирғоқларни пардоз.
Кўчатлар келтириб, қилдик чаман — боғ.
Шакар бермоққа кўчди чўлу янтоғ.
Ариқлар лабба-лаб сувлар шариллаб,
Туну кун боғма-боғ юргай вариллаб.
Бу чўл меҳнат билан Фарғона бўлди,
Унинг ту роғи зар, дурдона бўлди.
Кўчатлар яшнади, ҳосилга кирди,
Йўқотди шўра, янтоғларни қирди.
Узум олтин қадаҳларда тутиб май,
Қилур маст нўш этар ким лаҳза ўтмай.
Қиёмга келтириб анжир қиёмин,
Берур бир неча ой ҳар кун давомин,
Анор аччиқ, чучук, нордон — шифобахш,
Тиниқ, нозик терилган пардада нақш.
Яна бир иш ажабдан ҳам ажаброқ,
Тўқув артель тузилди, бир томон боғ.
Неча косиб-ҳунарманд Марғилондан
Ипак ишлашда ўтган имтиҳондан.
Фаровонлик билан турмушлар эркин,
Ҳар иш ҳар соҳада бормоқда қизғин.
Ўтиб келди бобо ҳам бўлди меҳмон

Ўзилди катта дастурхон ҳашамлик,
Топилмас хизмату ҳурматда камлик.
Зиёфат устида Усмон мироб ҳам
Кириб келди, яқин дўстлар эди жам.
Бўлиб файз узра файзу нур уза нур,
Ҳама меҳмону мезбон бўлди масрур.
Бобо чин завқ ила лаб очди сўзга,
Кўринди янги қишлоқ, шаҳри кўзга.
Қадрдон, жоним ўғлим, қизларим, деб,
Чароғим, порлаган юлдузларим, деб.
Деди: — Бу шаҳр ила қишлоқ муборак,
Самимий дўсту ёр, ўртоқ муборак!
Шириннинг истагин майдонда кўрдим,
Бу ишни сиз каби инсонда кўрдим.
Гўзал Зумрад қизимга бирлашибсиз,
Сир узра ишлаганда сирлашибсиз.
Азиз Фарҳодимиз руҳин этиб шод,
Қилибсиз ташна шўрли чўлни обод.
Бўлиб ер янги-ю, деҳқони янги,
Тузилган боғи-ю, боғбони янги.
Бинолар янги, йўл янги, шаҳар ҳам.
Келибдур ҳар томондан янги одам.
Куёв янги, келин ҳам янги, тўй ҳам,
Ҳама, сон янги-ю, сен ёзган уй ҳам
Бу янги боғлаги меҳмони янги,
Ўзилган бир неча достони янги.
Кўриб сизларда кўп шаклу шамойил,
Дедим — Фарҳоду Ширин — Зумрад, Одил.
Туриб Одил талаб қилди фасона,
Бободан яхши-яхши ошиқона.
Бобо завқ этди, кулди ташлади кўз,
Деди, — то танда жон — оғзимда бор сўз.
Кулҳоман энди сизлардан хикоят

Мирзачўл яллasi

Оқин сув келиб топди жон Мирзачўл,
Оқ олтин учун бўлди кон Мирзачўл.

Жамол очди, кулди совет халқига,
Ўтиб қанча асру замон Мирзачўл.

Озиқланса меҳнат билан, сув билан,
Берур истаса қанча дон Мирзачўл,

Бисотида ҳур эл учун сақлаган
Не бор бўлса қилди аён Мирзачўл.

Тугалмайдиган қанча кўп олса ҳам
Тўлиқ турли кондан нишон Мирзачўл.

Топилди ҳур ўлкамга қудрат бўлиб,
Жаҳон ичра янги жаҳон Мирзачўл.

Ҳабибий, тирикман ёзай мадҳининг,
Бўлул бир неча дoston Мирзачўл.

1957. Апрель — июнь.



МУНДАРИЖА

Шеърлар

Мирзачўл комсомолларига	5
Инсон топар	6
Муътабар	7
Ёшлар	8
Ўлканинг бойлиги	9
Ёзёвон	10
Май байрами қўшиғи	11
Яшанг	12
Янги дунё қилдилар	13
Азамаг пахта устозларига (Қасида)	14
Тинчлик чақириғи	16
Хуш ёр-ёр	18
Қаҳрамонларга салом	19
Янги темир йўл	20
Сирдошим менинг	22
Жоним келиб	23
Бог истар	24
Мунча соз	25
Уч сўз бир маъно	26
Кўнгил қувончи	27
Раққоса қизлар	28
Жонон кўринди	29
Кўрсатмасин	30
Ўлтурур	31
Гулшан қилинг	32
Мардуми Фарғонаман	33
Эслатма	34

Баъзи одам	36
Ишламасанг	37
Яхши	38
Ушшоқ	39
Келди	40

Достон

Замон фарҳодлари	43
----------------------------	----



На узбекском языке

Х А Ъ И Б И

„ЗАМОН ФАРХОДЛАРИ“

(Стихи и поэма)

Гослитиздат УэССР — 1959 — Ташкент

Редактор Шукрулло

Рассом Н. Агапова

Рассом-ред. Г. Остапенко

Техредактор Я. Пинхасов

Корректор И. Қобилов

* * *

Босмахонага берилди 7/II 1959 й. Бо-
синга рухсат этилди 2/IV 1959й. Фор-
мати 70×92¹/₃₂. 2,75 босма л. 3,22
шартли босма л. Нашр. л. 3,0. Ин-
декс н.а. Тиражи 10 000. P04424.
УэССР Давлат бадний адабиёт наш-
рийети. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 150—58.

* * *

УэССР Маданият министрлиги Уэглав-
издатининг 1-босмахонаси. Тошкент,
Ҳамза кўчаси, 21. Заказ № 741.
Баҳоси 1 с. 80 т.